# ХИТОЙ, ЯПОНИЯ ВА ҒАРБДА ЯНМИНИЗМ ФАЛСАФАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

**С. Ҳошимов - ТошДШИ магистранти**

**Аннотация**

*Ушбу мақолада Хитой фалсафий тафаккурида муҳим аҳамиятга эга бўлган Янминчилик фалсафий оқимининг Хитой, Япония ва Европа тадқиқотчилари томонидан ўрганилиши таҳлил қилинган.*

Ўтмиш фалсафий таълимотлар тарихи босиб ўтилган боскич сифатида каралиб, уни ўрганиш хозирги даврда катта аҳамият касб этмокда. Юртбошимиз «Фидокор» газетаси мухбирининг саюлларига жавоб берар экан, куйидагиларни кўрсатиб ўтган эди: «Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ханузгача узбек тилида нашр этилмаганлиги туфайли аксарият зиёлилар, хусусан ёшларимиз уларнинг гоявий карашлари билан яхши таниш эмас. Сукрот ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларнинг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изох ва шархлар билан ўзбек тилида чоп этиш, наҳотки мумкин бўлмаса? ... Биз кўп масалаларда ғарб файласуфларнинг фикрлари билан, айниқса, индивидуализм, эгоизм карашларини илохийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин уларни хисобга олишимиз, кераклисини эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур”[2]. Дархакикат, буюк мутафаккирларнинг фалсафий карашларини урганиш доимо долзарб масала булиб қалади.

Файласуф, адабиётчи, сиёсий ва харбий арбоб Ван Янмин ёки Ван Шоужен (1472-1529) Хитойда Мин сулоласи даврида (1368-1644) тарихий-фалсафий jj^раеНННі марказий ўринда турувчи сиймо эди. Унинг ахимиятли рўли шундаки, V <ri даврида мутафаккир номини олганлигини тасдиқловчи факт, яъни, 1584 йилда Конфуций ибодатхонасидаги рўйхатда борлищдадир. Зеро, Мин сулоласи даврида бу шарафга факатгина тўртта конфуцийчилик тарафдорлари сазовор бўлган эдилар. Ван Янмин фалсафаси XVII аср ўрталарига кадар Хитойда ғоявий жихатида устун бўлган. Унинг мафкура сифатида хукмронлиги сунъий равишда - фуқаролар уруши ва чет элликларнинг хужуми туфайли тўхтатилди.

Ван Янмин қарашларини тушуниш ва баҳолаш усули бир ката мураюсабликларни келтириб чикаради. Бу нуқтаи-назардан уни Европа файласуфларидан Декарт, Спиноза, Лейбниц, Беркли, Кант, Фихте, Шопенгауэр, Гегел, Бэргсон, Эйкен, Джемс билан тавдослашади. Бу рўйхатдан маълум бўладики, Хитой фалсафаси Еарб фалсафаси позицияларини ўзгартириши кийинчилик билан кечган.

Ван Янмин доктринасининг тарихий-маданий доирасидаги ўрни ва рўли нисбатан жуда кўплаб турли хил баҳолашларни келтириб чиради.

Н.И.Конрад ўзининг Тикланиш концегшиясида Ван Янминни “Хитойдаги ренессанс даври фалсафий гояларининг охирги намоёндаси”, деб хисоблаган[1]. “Фалсафий энциклопедия”да Ван Янмиинииг фалсафий ёки неоконфуцийчиликнинг ривожланишини тугатганлнги айтиб утилган . Уша даврда Л.ДПозднеева Ван Янмин “неоконфуцийчшшкка асосий зарба берди”, - деб хисоблайди[3].

Ван Янмин таълимоти пайдо бўлган даврданоқ Хитойда диккат билан ўрганилган. Унинг ривожланиши бизнинг карашимизча, машаққатли кечди ва олгга давр мобайнида ривожланди.

Биринчи давр тахминан Мин сулоласининг охиригача чўзилди. Ван Янмин таълимоти мафкурага айланди, шунинг учун янминизмга нисбатан мактоилар эмас, балки, тащидий фикрлар хам учраб турган.

Бундал ташкари, иккинчи даврда Син сулоласининг бошланғич даврларида (ХУП асрнинг ўрталарида) янминизмга бўлган тащидий муносабатлар устун келди, хатго шу даражага етиб келдики, Ван Янмин гояларининг кенг таркалганини Гуй Ян Мин сулоласининг дулашига сабаб кили б курсатади[4]. Бундай танкидий караш тахминан XIX асрнинг охирларигача сакланиб колди, *алигача реформа харакатлари таъсири билан бирга Хитой зиёлилари ишлаб чиккдн янминизмнинг роли ва модернизацияси Японияда кучайди, аммо Хитойда янгидан фаод юявий кучлар куринишида тикланмади.

Учинчи даврда Ван Янмин гоялари Кан Ювей, Тан Ситун, Сун Яцен ва Лян Сичао (1873-1929)ларни дикдат-эътиборини узига тортди. Аммо, шуни айтиб утиш керакки, гоявий кизикдш бу ерда илмий объеютвлюска очивдан очик кумаклашмади.

Тургинчи даврда янминизмга булган муносабат XX асрнинг 10 - 20-иплдарига кадар чузилди, шу йилларда уни илмий тадощ килишда гоявий бетарафлик бошланган эди. У тулалигяча бошкаларга яхпшлик килишни тарафдори булиб, унинг таълимоти худци мюший фалсафадек гарбда Krçopg даражага эришган - кантчилик гоялари билан ракобатлаша оладиган даражага етди

Бешинчи даврнинг бошланиши Хитой Халк Республикасшшнг пайдо булищ вакгига тугри келади. Капиталлашган Японияда субъективизм, кантчилик иттифоки ва гоявий янгиланиш, шуниш'дек, Чан Кайшининг хайрихохлиги Хитой Халк Республикасида янмшгазмга нисбатан салбий муносабат кучайишига сабаб булди.

Сунгги олтинчи давр Хитой Халк Республикасшшнг “туртлига” ф$_0$щ килингандан кейин бошланди. 70-йилларнинг охиридан янминизмга булган муносабат бир канча илий бошлади, унинг таълимотига мухцм тарихий ахамиятга эга, деб каралди ва объектив бахрлаш хдракатлари бошланди. Тулалягича салбий муносабат урнини мунозарали мухокама эгаллади.

Японияда янминизмни урганиш XX асрнинг бошларида худди Хитойдашдек мустахдам заминга эга булди, эндиликда эса, бир канча улкан натижаларга эршнди. Япон янминологлари файласуфюшг 500 йиллик

юбилейига багишлаб “Ван Янмин таълимотини урганишнинг тулик тахдили” номли ун иккинчи нашрни чикаришди. Fарбда янминизм хакидаги шхк маълумот Т. Хагашшг (1893) инглиз тилидаги япон фалсафий мактабларига багишланган маколасида келтирилган эди.

1913 йилдан аввал Ван Янмин фалсафасини тадкик щлган америкалик миссионер Ф. Г. Хенке нашр килган инглиз тилидага китоб Нанкинда укитилган[1]. Бу фалсафани урганищцаги кейинги иккита йирик даврда Ф. Г. Хенке 1916 йилда Ван Янминнинг тург томли асарлари мажмуасини инглиз тилига таржима кдпди ва 1925-1927 йилларда Ван Янминнинг фалсафий номаларини И. Анри француз тилига таржима килди.

Гарбда янминизмни урганишнинг энг гуркираган даври 50-йилларнинг урталаридан, инглиз тилида шу мавзуда жуда кугогаб тадкикотлар килинган даврда бошланди. Бунга кушимча тарзда дзен-буддизмниит машхур булиши хам сабаб булди, янминизм бу таълимот билан келиб чикиш нукгаи-назаридан ва мохдятаЙ алокадордир. Чен Юнсзенинг таъкидлашича, бу вактда Ван Янмин фалсафасшпшг эзгулик докгринасини бир ёкдама урганиш бартараф килиндн. 1953 йилда Фен Юлан томонидан ингаиз тилига таржима килинган икки томли “Хитой фалсафася тарихи” катта ахамият касб этади.

Узининг ривожлашяп мохдятига, кура кейинги йигирма йилликда гарбий янминологизмни ривожлантиришга узларининг бевосита хнссаларини кушган олимлар: Чжан Сзюнмаю ва Чен Юнсзедир. Чен Юнсзе узининг куп сонли илмий шнлари каторида 1%3 йилда Ван Янминнинг асосий асарларини янги ва тулик шаклда инглиз тилига таржима килди, улар: “Чуан си лу” ва “Да сюе ве ни” дирлар. Бу нашрлар Еарб янминологияси ривожига анчагана хдоса кущди. Гарбда Ван Янмин таълимотини урганиш, 1966 йилнинг бахррида Колумбия университетида “Хитой жамиятида Мин сулоласи давридаги мафкура”га багишланган семинар ва шу йилнинг июнида америкалик олимлар рахбарлигида булиб утган шу мавзудаги илмий конферендияни эсламаслик мумкин эмас. Бу илмий симпозиумда турля мамлакатлардан жуда эътиборли олимлар катнашишган, улар асосий эътиборинй ран Янмин ижоди ва унинг издошларига каратишган. Симпозиум материаллари g Т де Бари гахрири остидаш “Мин мафкурасида шахе ва жамият” гупламида дунё (озиии курди (Нью-Йорк, 1970). 1972 йилнинг июнида Гавайи университетида Ван Янмин таълимотининг 500 йиллигига баяишланган халкаро конференция булиб **5**?тди. Конференция материаллари 1973 йилнинг бошида иккита жуфт ракамларда “Philosophy East and West” журиалида нашр квлинган. Вак Янмин фалсафий меросини урганшддага эяг *муци* нашрлар 1979 йилда Стенфорд университетида чоп килинган неоконфуцийчиликни узида мужассам этган “Чуан си лу” ва “Да сюе вен ” нашрларидир[1].


Адабиётлар

[1] *Henke F.G.* The Philosophy of Wang Yang-ming // Journal of die Noitb China Bmeh of the Royal Аыай® Society. Vol. 44,1913.

[1] *Конрад Н.И.* Запад и Восток. 2-е изд. М., 1972.

Большая Советская Энциклопедия, 3-е изд. Т. 4. М., 1971.

*Позднееeа JIJJ.* Китайская литература// Jftrrspaiура Востока в средние иека. Ч. 1. М., 1970. *ЮыХуай-янь Ф ИШ,* Ван Янмин-дэ у-бай нянь (Пятисотлетие Ван Ян-мина). Гуй Ян, 2.009, с. 2Ü7-212.
[1] И.А.Каримов. УзбеекистонXX1асрбусагасида: хавфсизликка тахдид,баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари.-Т:”Ўзбекистон”, 1997. -137 б.
Каримов И.А. Донишманд халкимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман // Фидокор. 2008 шон.

**Аннотация**

*Мазкур мақолада Ўрта асрлар янги конфуцийчилик йўналишида фаолият олиб борган машҳур мутафаккир Ван Янмин фалсафий*

*таълимотининг Узоқ Шарқ мамлакатлари маданиятидаги ўрни ва ушбу фалсафий таълимотни ўрганилиш босқичлари таҳлил қилинган.*

## ВАН ЯНМИН ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ УЗОК ШАРҚ МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ ВА УНИ ЎРГАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**_С. Хошимов -магистрант, ТДШИ_**

Ўтмиш фалсафий таълимотлар тарихи босиб ўтилган босадн сифатида каралиб, уни ўрганиш ҳозирги даврда катта аҳамият касб этмоқда. Юртбошимиз «Фидокор» газетаси мухбирининг саволларига жавоб берар экан, куйидагиларни кўрсатиб ўтган эди: «Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмаганлиги туфайли аксарияг зиёлилар, хусусан ёшларимиз уларнинг ғоявий карашлари билан яхши таниш эмас. Биз кўп масалаларда ғарб файласуфларининг фикрлари билан, айникса, индивидуализм, эгоизм карашларини илоҳийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин уларни хисобга олшиимиз, кераклисини эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур”[1]. Дархакикат, буюк мутафаккирларнинг фалсафий карашларини ўрганиш доимо долзарб масала бўлиб қолади.

Ван Янмин таълимотини махсус тадқиқ қилишга илк уриниш нафакат Хитой, балки бутун Шарк, мамлакатлари ижтимоий фикрлар ривожига улкан хисса кўшди. Ван Янмин таълимотини тадқиқ қилиш Хитой фалсафаси тарихидаги асосий муаммолардан бири хисобланади.

Файласуф, адабиётчи, сиёсий ва харбий арбоб Ван Янмин ёки Ван Шоужен (1472- 1529) Хитойда Мин сулоласи даврида (1368-1644) тарихий-фалсафий жараённинг марказий ўринда турувчи сиймо эди. Унинг аҳамиятли роли шундаки, у ўз даврида мутафаккир номини олганлигини тасдиқловчи факт, яъни, Конфуций ибодатхонасидаги рўйхатда борлигидадир. Зеро, Мин сулоласи даврида бу шарафга фақатгина туртта конфуцийчилик тарафдорлари сазовор бўлган эдилар. Ван Янмин фалсафаси XVII аср ўрталарига қадар Хитойда ғоявий жихатдан устун бўлган. Унинг, мафкура сифатидаги хукмронлиги сунъий равишда - фуқаролар уруши ва чет элликларнинг хужуми туфайли тўхтатилди.

Ван Янмин таълимоти фақатгина ўз ватани чегарасида тарқалмаган. У Кореядаги фалсафий фикрлар ривожига кучли таъсир кўрсатган. Айникса, Японияда “Мейдзи инкилоби” дан (1868 й.) олдин етакчи фалсафий оқим бўлган.

Аср бошида Хитойда (чамаси, манжур ҳукмронлигининг қулаши билан алоқадор даврда) янминизмнинг ҳукмронлик ҳолати бир қадар тикланишга эришди, бу таълимотнинг устунли манжурлар хужуми даврида йуқотилган эди. Уша йилларда бевосита гувох булган Л. Вигер шундай ёзади: “Хозирги

кунда унинг таълимоти японлар томонидан конфуцийчиликнинг ривожланган ва юқори баҳоланган пойдевори деб хисобланади”.[1]

Ван Янмин таълимотини у ёки бу кўринишда тадқиқ қилиш бизнинг асримизда ҳам қайта тикланди. Янминизм Тайванда ғоявий атмосферанинг муҳим бўлаги хисобланади (шахсан Чан Кайши унинг ғояларига қизиқиш билан қараган ва унинг ёйилишига ёрдам берган). Бундан ташқари баъзи бир Хитой мутафаккирлари марксизм - ленинизм даврини янминистик категорияларда изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлар. Кейинги пайтларда Ван Янмин фапсафаси Ғарбда ўзининг “қардошлик” муносабатида бўлган дзен (чан)-буддизм натижасида факатгина машҳур бўлиб қолмай, балки, маданиятнинг мустахкам қисми бўлиб қолди. Янминизм ҳудди аввалгидек “Мейдзи инкилоби” даврида Японияда ғоявий томчи бўлиб муҳим рол ўйнади, баъзан ғалати ва хавфли социал чиқишларга хизмат қилди: бунга аник мисол килиб уша пайтда овоза булган машхур ёзувчи Мисима Юкиё (1925-1970) қуролли исёни муваффакиятсизликка учрагач, ўзини ҳаракат қилишини (ўлдиришини) мисол қилиш мумкин[2].

Ван Янминнинг ижодий йулида новатордик хам кузга ташланади. У узининг бир шеърида: “барча мутлако доноларнинг гурухд - факат уткинчи соялардир ва эзгу фикрловчигина менинг рахбаримдир”[3] деган эди. Урта асрларда анъанавийлик шароитида бўлган Хитойда бу ибора жуда кучли таассурот колдириши керак эди. Айнан шу икки катор хозирги кунда Ван Янминнинг фатсафий шеърларини урганувчи Син Сзянин!' каллиграфик лугатидан жой олди.

Бошкалардан ажралиб турадиган хакикий навоторлиги билан Ван Янмин таълимоти анъанавийликни ифодалаган, хатто шундай булганки, мохиятан унга карши булсада мумтоз ассимиляция тенденцияларини намоён килган. “Хакикий” конфуцийчилик ва кескин антидаосизм ва антибуддизм танвддига бевосита тенглаштирилишига карамай, Ван Янмин фалсафаси конфуцийчиликни изчиллик билан чикзриб юбормайди, даосизм ва буддизм билан хам ажралмаган. Унинг таълимотида “учта аркон” анъанавий Хитой идеологияси - конфуцийчилик, буддизм, даосизм мавжуд булган.

Ван Янмин таълимотининг мохиятини Хитой фалсафасининг улуг арбоби Чжу Си (1130-1700) таълимоти билан таккослаш мумкин. Машхур Хитой тарихчиси Сян Му шундай деб ёзган: "Жанубий Сун даврида Чжу Си деган киши булган, кейинг» конфуцийчи-олимлар хикояларида (Чжу) Си мухокамаларнинг асосий кисмида гурган.

Мин сулоласи даврида хам масала худди шу холда эди - Ван Шоужен деган киши булган, унга эргашувчилар орасида Ван мухокамаларнинг марказида турган”[1]. Ван Янмин ва Чжу Си таьлимотларини тавдослаш халкаро таъсирга эга. “Хитой фалсафасининг дунёга ёйилишига,-деб ёзади Чжан Сзюнмай (Сарсун Чанг),-Чжу Сзи таълимотидан ташкари, Ван таълимоти \ам хисса кушиб, халкаро фалсафий мактаб шарафига эга бўлган”[2].

Ғарбда янминизмни ўрганишнинг энг гуркираган даври 50-йилларнинг ўрталаридан бошланди. Бунга қўшимча тарзда дзен-буддизмнинг машҳур бўлиши ҳам сабаб бўлди, янминизм бу таълимот билан келиб чиқиш нуқтаи-назаридан ва моҳиятидан алоқадордир. Чен Юнцзенинг таъкидлашича, бу вақтда Ван Янмин фалсафасининг эзгулик таълимотини бир ёклама ўрганиш бартараф қилинди.

**_Адабиётлар:_**


1. *Каримов И.А. Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман // Фидокор. 2000. 8 июн.*
2. *Восточная философия: Вводный курс. Избранные тексты. - М., 1997; 2-ое изд., 2001.*
3. *Мисима Юкио. Учение Ван Янмина как революционная философия // он же. Голоса духов героев / Пер. А.Г. Фесюна. - М., - СПб., 2002.*

*Фэн Юлань. Краткая история китайской философии. – СПб., 1998.*

' *WiegerL. Textes philosophiques. СофсШш. Taohnie. Buddhism, 1930.* # *А*

' *Мисима Юкио. Учение Ван Янлпта как революционная философия ж* ■ *Фесюна. -М., СПб., 2002.* ^ _ *м* *1997; то же 2-е*

г *Ван Ян-лтн. Да сюэ вэнь /Восточная философия: Вводный курс. Избранные текс изд.. 2001; то же //она же. Восточные философии.*

[1] *Каримов И.А. Доиишманд халкгшизиинг мустахкам иродасига ишонамап // “Фидокор ”. 2000 йил 8 июи.*